



ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИ

Эргашева Васи́ла Абдумажитовна

Аннотация. Ушбу илмий тадқиқот ишида давлат тиббиёт муассасаларида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритиш тартиби баён қилинган. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёз суммаларини ҳисоботларда акс эттиришнинг муаммоли тарафлари илмий асосланган.

Калит сўзлар: бюджет, бюджет ҳисоби, бюджетдан ташқари жамғармалар, давлат бюджети, давлат тиббиёт муассасаси, пул маблағи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳисобот, ҳисобот даври.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган бўлиб, бунинг билан кундалик ҳаётимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, халқимизни дори–дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганли-гидан ҳам билишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 – сонли Қарорига асосан давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тиббиёт муассасалари фаолият тури бўйича хизматлар кўрсатишидан, вақтинча фойдаланилмаётган биноларини ва давлатнинг бошқа мол – мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тиббиёт муассасасига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадларига 2027 йил 1 январигача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимлар ҳамда



мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг барча турларидан озод қилинган бўлиб, бўшаб қолган маблағлар моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилиши белгилаб қўйилган. Лекин давлат тиббиёт муассасаларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича солиқ имтиёзлари қўлланилиши бўйича аниқ манбаалар берилмаган. Бу эса ҳисоб юритишда баъзи ноаниқликларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун қонунчилик тартибида давлат тиббиёт муассасаларини бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқ имтиёзларини қўлланилиши тартиби аниқ белгилаб берилиши керак.

Давлат тиббиёт муассасаларининг давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тўлаши керак бўлган мажбурий ажратмалари бўйича имтиёзлари ҳисоби 2010 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2169–сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ 285 “Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётида юритилади. Бу субсчётда давлат тиббиёт муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг бюджетдан ташқари олган даромадлари учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар суммалари ва уларнинг белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши акс эттирилади.

Давлат тиббиёт муассасаларида солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисоботларда фақат балансдаги 285 “Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётида умумлашган ҳолда акс эттирилмоқда. Шунинг учун бу ерда имтиёзлар бўйича таҳлилий маълумотлар олиш имконияти йўқ.

Бизнинг фикримизча, давлат тиббиёт муассасаларида давлат бюджетига тўланадиган солиқ имтиёзлари ҳисоби ва давлат мақсадли



жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзлар ҳисоби алоҳида – алоҳида счётларда юритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари давлат тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида эҳисоботда ҳозирги вақтда фақат ҳисобот даврида тушган даромадлар ва амалга оширилган касса харажатлари ҳақидаги маълумотларнинг акс эттирилиши ҳолати кузатилди. Бизнинг фикримизча, давлат тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида эҳисоботда ҳам имтиёз суммалари билан биргаликда имтиёз суммалари ҳисобидан қилинган ҳақиқий харажатлар бўйича маълумотларнинг акс эттирилиши лозим.

Бу албатта тиббиёт муассасасига давлат томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан берилган имтиёз суммаларидан фойдаланиш ҳолатини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш имконини беради.

Хулоса қилганда, бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотларга мос ҳолда давлат тиббиёт муассасалари бухгалтерия объектлари ҳисобини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни.
2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага (2010 йил 22 декабрь, 2169 – сон).
3. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Бюджет ҳисоботи» (3 – сон БҲС, 2019 йил 18 январь, 3124 – сон).
4. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Account of extra-budgetary funds of budget organizations. Study guide. - T.: "Economy - Finance", 2018. - 192 p.



5. Кулибоев, А. (2023). Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8).
<https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23>